ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИДА ШОҲРУХ МИРЗОНИНГ МАЪНАВИЙ СИЁСАТИ ВА ТАСАВВУФГА МУНОСАБАТИ

THE SPIRITUAL POLICY OF SHAH RUKH MIRZA AND HIS APPROACH TO SUFISM (TASAWWUF) IN TIMURID HISTORY

ДУХОВНАЯ ПОЛИТИКА ШАХРУХА МИРЗЫ И ЕГО ОТНОШЕНИЕ К СУФИЗМУ В ИСТОРИИ ТИМУРИДОВ

ISMOILOV Mas'udxon Maxdiyevich
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
PhD in History, docent of the ICESCO chair on islamic studies
and the study of islamic civilization.
mas'udxon_ismoilov@iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2025/3/2

Аннотация. *Темурийлар сулоласи тарихида Шоҳрух Мирзо шахсияти маънавий юксалиш, илм ва ирфон тараққиёти билан юксак баҳоланади. Унинг ҳукмронлиги даврида (1409–1447) Хуросон ва Мовароуннаҳрда тасаввуф мактаблари давлат ҳимоясида фаолият юритган, суфийлар эса жамиятнинг маънавий камолотини таъминловчи етакчи зотлар сифатида қадрланган. Шоҳрух Мирзо тасаввуфни фақат диннинг бир бўлаги эмас, балки жамият ва давлат бошқарувидаги қалбий ва ахлоқий асос деб қабул қилган. Бу даврда Шоҳрухнинг маънавий сиёсатида суфийлик мактаблари, тариқатлар ва уларнинг етакчиларига муносабат давлат сиёсатининг бир бўлагига айланган эди.*

Шоҳрух Мирзо ўз отаси Амир Темурнинг дин ва тасаввуфга нисбатан сақланиб келган эҳтиромини давом эттирибгина қолмасдан, уни янада мустаҳкамлади. Амир Темур ўз вақтида шайхларга улкан ҳурмат кўрсатган бўлса, Шоҳрух бу анъанани давом эттириб, тасаввуф аҳлини давлат ҳимоясига олди. У суфийларга моддий ёрдам кўрсатиш, хонақоҳлар ва мадрасалар қуриш, уларни вақфлар билан таъминлаш каби ишларга алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, Шоҳрухнинг ўғли ва валиаҳди Мирзо Улуғбек ҳам Нақшбандияга нисбатан ҳурматни сақлаган, ҳарчанд унинг диққати асосан илм-фанга қаратилган бўлса-да, диний ва маънавий муҳитга бефарқ бўлмаган.

Бу муҳитда Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Мир Сайид Шариф Ҳиравий ва Хожа Аҳрор Валий каби шайхлар фаолият юритиб, халқнинг маънавий камолоти, ватанпарварлик ва ихлос асосидаги тарбияси билан машғул бўлганлар.

Мақолада мазкур зотларнинг таълимотлари ва жамиятда тутган ўрни таҳлил этилган. Мақомот ва манoқиб асарлари орқали тасаввуфнинг қалб тарбиясига оид ғоялари, "суҳбат билан иршод", "халқ ичра халқ билан" каби шиорлар замиридаги фалсафа очиб берилган.

Мақола тасаввуфни ўтмишда қолган тажриба сифатида эмас, балки бугунги инсон учун ҳам йўл ва нур, поклик ва мувозанат манбаи сифатида кўрсатишни мақсад қилган. Шоҳрух даври маънавий меросини – қалбларга сукунат ва ҳаётга мазмун бахш этадиган тирик анъана дейиш мумкин.

Калит сўзлар. *Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, тасаввуф, нақшбандия, Хуросон, Ҳирот, вақфлар, маънавий сиёсат.*

Abstract. *In the history of the Timurid dynasty, the personality of Shah Rukh Mirza is highly valued for his spiritual elevation, and the development of knowledge and gnosis. During his reign (1409–1447), Sufi schools in Khorasan and Transoxiana operated under state protection, and Sufis were esteemed as leading figures who ensured the spiritual maturity of society. Shah Rukh Mirza regarded Tasawwuf not merely as a part of religion, but as a spiritual and ethical foundation for society and state governance. During that period, Shah Rukh's spiritual policy, including his approach to Sufi schools, orders (tariqats), and their leaders, became an integral part of state policy.*

Shah Rukh Mirza not only continued his father Amir Timur's reverence for religion and Tasawwuf but also further strengthened it. While Amir Timur showed immense respect to shaykhs in his time, Shah Rukh continued this tradition by taking the Sufi community under state protection. He paid special attention to providing material assistance to Sufis, building khanqahs and madrasahs, and endowing them with waqfs. Furthermore, Shah Rukh's son and heir, Mirza Ulugbek, also maintained respect for the Naqshbandiya order; although his focus was primarily on science, he was not indifferent to the religious and spiritual environment.

In this environment, shaykhs such as Khwaja Alauddin Attar, Khwaja Muhammad Parsa, Yaqub Charkhi, Mir Sayyid Sharif Hirovi, and Khwaja Ahrar Vali were active, engaging in the spiritual development of the people, fostering patriotism, and education based on devotion.

The article discusses the teachings of these figures and their place in society. Through works of maqamat and manaqib, the Sufi ideas related to the purification of the heart, and the philosophy behind slogans like «guidance through conversation» and «among the people with the people» are revealed.

The article aims to present Tasawwuf not as a past experience, but as a path and light, a source of purity and balance for contemporary human beings. The spiritual heritage of Shahrukh's era is a living tradition that brings tranquility to hearts and meaning to life.

Keywords: *Shahrukh Mirza, Mirza Ulugbek, Tasawwuf, Naqshbandiya, Khorasan, Herat, Waqfs, Spiritual Policy.*

Аннотация. *В истории династии Тимуридов личность Шахруха Мирзы высоко ценится за его духовное возвышение, развитие науки и ирфана*

(гнозиса). В период его правления (1409 – 1447 гг.) школы тасаввуфа (суфизма) в Хорасане и Мовароуннахре действовали под государственной эгидой, а суфии почитались как передовые личности, обеспечивающие духовное совершенствование общества. Шахрух Мирза воспринимал тасаввуф не просто как часть религии, а как духовную и нравственную основу в управлении обществом и государством. В этот период отношение Шахруха к суфийским школам, тарикатам и их лидерам стало частью государственной политики.

Шахрух Мирза не только продолжил, но и укрепил уважительное отношение его отца Амира Темура к религии и тасаввуфу. Если Амир Темур в свое время проявлял огромное почтение к шейхам, то Шахрух продолжил эту традицию, взяв суфийскую общину под государственную защиту. Он уделял особое внимание оказанию материальной помощи суфиям, строительству ханако и медресе, а также обеспечению их вакфом. Кроме того, сын и наследник Шахруха, Мирзо Улугбек, также сохранял уважение к накшбандийа, и хотя его внимание было сосредоточено в основном на науке, он не был равнодушен к религиозной и духовной среде.

В этой среде действовали такие шейхи, как Ходжа Алоуддин Аттор, Ходжа Мухаммад Порсо, Йаъкуб Чархи, Мир Сайид Шариф Хирови и Ходжа Ахрор Вали, которые занимались духовным развитием народа, воспитанием патриотизма и преданности.

В статье обсуждаются учения этих личностей и их место в обществе. Через произведения макамат и манокиб раскрываются идеи суфизма, касающиеся воспитания сердца, а также философия, лежащая в основе девизов «иршад через беседу» и «среди народа с народом».

Статья ставит целью показать тасаввуф не как пережиток прошлого, а как путь и свет, источник чистоты и равновесия для современного человека. Духовное наследие эпохи Шахруха — это живая традиция, дарующая покой сердцам и смысл жизни.

Ключевые слова: *Шахрух Мирза, Мирзо Улугбек, тасаввуф, накшбандийа, Хорасан, Герат, вакф, духовная политика.*

КИРИШ

Темурийлар сулоласи тарихида Шоҳрух Мирзо шахсияти маданий ва маънавий ҳаётнинг юксалишида муҳим ўрин тутади. Унинг ҳукмронлиги (1409–1447) даврида Хуросон, айниқса Ҳирот шаҳри тасаввуфий ҳаётнинг марказларидан бирига айлангани бежиз эмас (Бартольд В., 1963:287). Бу даврда Шоҳрухнинг маънавий сиёсатида суфийлик мактаблари, тариқатлар ва уларнинг етакчиларига муносабат давлат сиёсатининг бир бўлагига айланган эди.

Шоҳрух Мирзо ўз отаси Амир Темурнинг дин ва тасаввуфга нисбатан сақланиб келган эҳтиромини давом эттирибгина қолмасдан, уни янада мустаҳкамлади. Амир Темур ўз вақтида шайхларга улкан ҳурмат кўрсатган бўлса, Шоҳрух бу анъанани давом эттириб, тасаввуф аҳлини давлат ҳимоясига олди. У суфийларга моддий ёрдам кўрсатиш, хонақоҳлар ва мадрасалар қуриш, уларни вақфлар билан таъминлаш каби ишларга алоҳида эътибор қаратган.

Шунингдек, Шоҳрухнинг ўғли ва валиаҳди Мирзо Улуғбек ҳам Нақшбандияга нисбатан ҳурматни сақлаган, ҳарчанд унинг диққати асосан илм-фанга қаратилаган бўлса-да, диний ва маънавий муҳитга бефарқ бўлмаган.

Мазкур даврда тасаввуф арбоблари нафақат маънавий ҳаётда, балки ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам иштирок этган. Улар подшоҳлар ва амалдорлар орасида тинчликни таъминлаш, халқ ичида адолатни тарқатиш, қалб поклиги ва иршод ишларини амалга оширишда муҳим рол ўйнаган . Бундай суфийлар сафидан Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Мир Саид Шариф Ҳиравий, кейинчалик Убайдуллоҳ Аҳрор каби зотлар жой олган.

Шоҳрухнинг маънавий сиёсати фақатгина тасаввуф зотларини ҳимоя қилиш билан чекланмаган, балки уларнинг меросини ҳужжатлаш, биографияларини ёзиш, мақомотлар орқали улуғлаш билан ҳам белгиланади. Масалан, Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоти айн ул-ҳаёт” асари айнан шу маънавий муҳитда юзага келган бўлиб, унда Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган вакиллари ҳақида эҳтиром билан ҳикоя қилинади.

Шу маънода Шоҳрух Мирзонинг тасаввуфга муносабати стратегик ва шу билан бирга, самимий эътиқод асосида қурилган сиёсатдир. Бу сиёсат нафақат маънавий ҳаётни, балки давлат ва жамият муносабатларини барқарорлаштиришда ҳам ўз самарасини берган. Унинг даврида суфийлар илмий, ахлоқий ва ижтимоий соҳаларда фаол ҳаракат қилган ва бу ҳолат Темурийлар даврининг маънавий тикланиши – Иккинчи Ренессансни таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида баҳоланади.

Шоҳрух Мирзо ҳукмронлигида Ҳирот ва Самарқанд каби шаҳарлар илм ва маърифат марказларига айланган бўлиб, мадраса, масжид ва хонақоҳлар қурилиб, суфийларга қулай шароитлар яратилган.

Бу даврда Нақшбандия ва Кубравия тариқатлари фаолият юритиб, давлат сиёсати билан маънавият ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Суфийлар давлат ишларида маслаҳатчи, халқ ичида руҳий тарбиячи, жамиятда эса ахлоқий намуна вазифасини бажардилар. Мазкур

тасаввуфий муҳитда шаклланган илм ва адабиёт намоёндаларининг асарларида тасаввуф руҳи, инсон камолоти ва маънавий поклик ғоялари асосий ўринни эгаллайди.

Бу мавзу ҳозирги замон учун ҳам алоҳида долзарблик касб этади. Чунки замонавий жамиятдаги маънавий изланиш, руҳий барқарорлик ва инсон камолотини таъминлашга интилиш нуқтаи назаридан, тасаввуф меросини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

УСЛУБЛАР

Мақолада Темурийлар сулоласи вакилларидан Шоҳрух Мирзо (1409–1447) ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда шаклланган тасаввуфий муҳитни тарихий қиёсий услубда манбаларга таянган ҳолда баён қилиш мақсад қилинган. Тасаввуф арбобларининг фаолият юритган жойлари, суфийлик мактаблари ва иршод марказлари тўғрисидаги маълумотлар илмий таҳлил услубида ўрганилган.

НАТИЖА

Асрлар давомида халқимизнинг маданий ва маърифий камолотга эришувида тасаввуф таълимоти катта аҳамият касб этган. Бу фалсафадан таъсирланган алломаларимиз ислом олами ва умуман, инсониятга улкан бир маънавий меросни тақдим этганлар. Ҳозирги кунда бутун дунёга тарқалиб кетган тасаввуф тариқатларидан энг машҳури нақшбандия тариқати ҳам ўзининг салкам 900 йиллик тарихи давомида юзлаб мутасаввифларни етиштирган. Уларнинг ибратли ҳаёти, дин ва дунё, олам ва одам, илм ва маърифат, ишқ ва муҳаббат ҳақидаги қарашлари, турли илмлар ва мавзуларга бағишланган илмий-адабий асарлари ислом тафаккури тарихида ўзига хос ўрин тутади.

Мирзо Шоҳрух ҳукмронлиги даврида яшаб фаолият юритган тасаввуф арбоблари ҳаёти ва улар мансуб бўлган тариқатлар тарихини ўрганиш Темурийлар тарихини ўрганиш учун муҳим жиҳатлардан биридир. Тасаввуф таирқатлари орасида айниқса, Нақшбандия тариқати бу даврда алоҳида нуфузга эга бўлди. Шоҳрух даврида Нақшбандиянинг етакчилари сифатида Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсо каби Шоҳрухга замондош шайхлар катта таъсир доирасига эга бўлганлар. Булардан ташқари ўрганилаётган мазкур давр учун Яъқуб Чархий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Мир Саид Шариф Ҳиравий, Низомиддин Хомуш, Ҳасан Аттор каби мутасаввифларнинг фаолиятини ҳам ёритиш мақсадга мувофиқдир.

МУҲОКАМА

Темурийлар сулоласининг маънавий тикланиш босқичи сифатида баҳоланадиган Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даври (1409–1447) тасаввуф, хусусан, Нақшбандия тариқати учун ривожланиш, давлат мафкураси билан уйғунлашиш имкониятини яратди. Шоҳрух саройи маърифатпарвар зиёлилар, олимлар, шоирлар маркази сифатида танилган эди. Алоуддин Атторнинг муридлари ва халифалари орқали Нақшбандия таълимоти сарой доирасигача кириб борди. Атторнинг ўзи ҳам Шоҳрухнинг илм аҳли, тасаввуф кишилари билан доимий алоқада бўлишини қадрларди.

Нақшбандийлик таълимоти шаклланган, тариқат намояндалари орқали турли ўлкаларга ёйила бошлади.

Бу ҳолатдан келиб чиқиб, Алоуддин Аттор ва унинг суфийлик мактаби Темурийлар маънавий сиёсатида муҳим аҳамият касб этганини кўриш мумкин.

Шоҳрух Мирзо ўз даврида тасаввуфни мазҳаб ва фиқҳдан айро ҳолда эмас, балки диннинг ички маънавий пойдевори сифатида қабул қилган. Бу манзарада Алоуддин Атторнинг таълимоти давлат бошқарувидаги ахлоқий мезонларни белгилашда таъсирли бўлган (Ҳамидов А., 1999:89-90). Атторнинг иршодий мактаби ана шу маънавий эҳтиёжни қондиришда етакчи вазифани бажарган.

Айрим тарихий ривоятлар ва қўлёзма манбаларда қайд этилишича, Шоҳрух Мирзо Алоуддин Аттор ва унинг мактабига алоҳида эҳтиром билдирган, унинг шогирдларига саройда маскан ажратган. Шунингдек, Атторнинг муридларидан бири бўлган Яъқуб Чархийнинг таълимоти ҳам Шоҳрух ва унинг зиёли муҳитида кенг тарқалган (Жомий А., 2000:75-76).

Шоҳрух даврида фаолият юритган тасаввуф таълимотининг XIV аср охиридаги назариётчиларидан бири, Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ана шундай улуғ сиймолардан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида илк маълумотларни манбашунос олимлар О.Бўриев ва М.Ҳасанийлар халқимизга тақдим этганлар (қаранг: Бўриев О., 1994). Кейинчалик Н.Хидирова ҳам бу мавзуда

махсус тадқиқот олиб борган (қаранг: Хидирова Н., 2006).

Хожа Муҳаммад Порсо номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофизий Бухорий (1349–1420) Бухорода туғилган, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст олимларидан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлган.

Абдураҳмон Жомий ўзининг “Нафоҳот ул-унс” номли асарида Али Сафийнинг “Рашаҳот”ида ва бошқа манбаларда Порсонинг ҳаётига доир маълумотлар келтирилган (Фахруддин Али Сафий, 2003:85).

Хожа Муҳаммад Порсо тафсир, ҳадис, тасаввуф, калом, география, адабиёт, тарих, фиқҳ каби соҳаларда ҳам моҳир олим бўлиб, у ёзган ортиқ асарлардан қирқтага яқин номдаги асар бизгача етиб келган. Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб асарларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин: Қуръоний илмлар туркуми, тафсир илмига оид асарлар, ҳадис илмига оид асарлар, калом илмига оид асарлар, усули фиқҳ, фиқҳ, тасаввуфий асарлар, адабиёт, биография, тарих ва география билимлари соҳаси.

Хожа Муҳаммад Порсо фаолият юритган XV аср бошлари Темурийлар даврида, айниқса, Шоҳрух Мирзо (ҳукмронлик йиллари: 1405–1447) даврида тасаввуф ва илмий-маърифий муҳитнинг тикланган ва ривожланган даврларидан бири ҳисобланади. Бу муҳитда тасаввуф арбоблари давлат сиёсатининг маънавий таянчи сифатида алоҳида эътиборга эга бўлган. Шоҳрух Мирзо давлат сиёсатида илм аҳли ва суфийларнинг ролини юқори баҳолаган ҳукмдор сифатида танилган.

Мирзо Шоҳрух Нақшбандия тариқати вакиллари, хусусан, Хожа Муҳаммад Порсога эҳтиром кўрсатиб, уни Балх ва Ҳиротдаги маънавий марказларга раҳбар сифатида тайинлагани айтилади (Валихўжаев Б., 2002:112-118).

Шоҳрух Мирзо даврида тасаввуф ва давлат бошқаруви ўртасида ўзаро ҳурмат ва маслаҳатга асосланган алоқалар шаклланган. Бу алоқаларнинг ёрқин намуналаридан бири Шоҳрух Мирзо ва Хожа Муҳаммад Порсо ўртасидаги хат алмашинувлари ва маънавий мулоқотлардир. Мазкур муносабатлар султон ва шайх ўртасидаги сиёсий-диний ва маънавий муҳитнинг ўзаро таъсири ва мувофиқлашувини намоён этади.

Тарихий ривоятлар ва қўлёзма манбаларга кўра, Хожа Муҳаммад Порсо Шоҳрух Мирзога мурожаат сифатида ёзган бир неча хат билан маънавий, ижтимоий ва сиёсий масалаларда фикр билдирган. Бу хатлар орқали суфийлик фақат тарки дунё йўли эмас, балки ижтимоий масъулиятни ҳам ўз зиммасига олувчи камолот мактаби эканлиги кўзга ташланади. Уларда нафақат иршод масалалари, балки ахлоқий етакчилик, фуқаролар тарбияси ва зикр маданияти каби мавзулар муҳокама қилинган (Валихўжаев Б., 2002:120-122).

Бу мулоқотлар Шоҳрух Мирзонинг тасаввуф аҳлига нисбатан ҳурмати ва улардан маслаҳат олишга тайёрлигини тасдиқлайди. Порсо ҳам ўз навбатида, давлат раҳбарининг маънавий камолоти ва адолатли бошқаруви учун фақат дуо эмас, балки фикр ва хулоса билан ҳам хизмат қилган. Унинг хатларида зикр, ихлос, тўғри ният ва қалб поклиги сиёсатдаги устувор жиҳатлар сифатида баён қилинган (Раҳимов Ҳ., 2010:154-156).

Бу мактублар Порсонинг илм ва маърифат билан бирга руҳий етакчиликдаги масъулияти ҳамда Нақшбандия иршоди давлат сиёсатини маънавийлаштиришдаги ўрнини кўрсатади. Шу билан бирга, суфийлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги хатбоши мулоқот маданияти, Темурийлар даврида тасаввуфнинг кенг ижтимоий таъсир кучига эга бўлганидан далолат беради.

Хожа Муҳаммад Порсонинг фаолиятига қисқача хулоса

Баҳоуддин Нақшбанднинг вафотидан сўнг, унинг етук муриди ва халифаси Хожа Муҳаммад Порсо иршод вазифаларини ўз зиммасига олди. Бу маънавий вазифа Порсони тасаввуф ва маърифат тарқатишда етакчи шахс сифатида намоён қилди. У ўзининг қалб мусаффолиги, илмий салоҳияти ва иршодий маҳорати билан Нақшбандия тариқатини фақат бир гуруҳнинг эмас, балки кенг ижтимоий қатламлар маънавиятининг асосий манбаига айлантиришга ҳаракат қилган (Валихўжаев Б., 2002:111-117).

Шоҳрух Мирзо шахсан ташаббус кўрсатиб, Порсонинг иршодий марказ ташкил этиши учун зарур шароитларни яратиб берди. Порсо томонидан қурилган хонақоҳ, масжид ва кутубхона Нақшбандия тасаввуф таълимотининг амалий марказига айланди. Бу муассасалар нафақат муридлар, балки кенг жамоатчилик, илм аҳли ва ҳокимият вакиллари учун ҳам маънавий ва ахлоқий тарбия маскани бўлган (Раҳимов Ҳ., 2010:148-152).

Бу даврда Шоҳрух Мирзо тасаввуф аҳли, айниқса, Нақшбандия муршидларини давлат

маънавий сиёсатида муҳим фаолият кўрсатувчи тоифа сифатида қабул қилган. Балхда қурилган муассасаларга Шоҳрухнинг бевосита ҳимояси ва молиявий кўмаги таъминланган. Биноларнинг инфратузилмаси, кутубхонадаги тасаввуфий ва ақидавий қўлёзмаларнинг жамланмаси бу фикрни тасдиқлайди.

Шоҳрухнинг ўғли Улуғбек бошчилигидаги илм-фанга алоқадор муҳит Порсога суфий таълимотни кенгроқ тарқатиш имконини берди. У сукут, зикр, нафс тозалиги каби амалий риёзатларни таълим этишни давом эттирди. Унинг таълимоти жуда кўп шогирдлар ва алломалар томонидан ҳурмат билан қабул қилинди.

Шу билан бирга, Порсонинг фаолияти унинг Нақшбандия таълимотини сиёсий доиралар орасида ҳам нуфузли ва қабул қилинган йўналишга айлантиришдаги ҳиссасини кўрсатади. Унинг сукут, тавозу, қалб мусаффолиги ва зикр маданияти давлат элитаси орасида ҳам кўплаб тарафдорлар орттирди. Бу эса Шоҳрух даврида тасаввуфнинг мафкуравий эмас, балки ахлоқий-маънавий бош меъёр сифатида қадрланганидан далолат беради.

Шоҳрух даврида самарали фолият олиб борган шайхлардан яна бири –

Мавлоно Яъқуб Чархийдир. Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ўзининг “Рисолаи қудсия”сида Яъқуб Чархий ҳақида маълумотлар келтиради (Edited by Godlas A.A. Habithanbthe Qubsiya of khwaja Rarsa., 1999:2).

Манбаларда Чархийнинг туғилган йили ва қайси йили Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашгани ҳақида ҳам манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. “Рашаҳот” ва “Сафинат ул-авлиё” китобларининг муаллифлари уни зоҳирий мадраса илмларини мукаммал эгаллаган дейишларига қараганда, у 20-22 ёшда Баҳоуддин билан учрашган бўлиши мумкин (Фахруддин Али Сафий.,1913:65).

“Нафаҳот” ва “Рашаҳот”да ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд Яъқуб Чархийни муридликка қабул қилиб, зикр айтиш йўлидан таълим бергандан сўнг, Чархийга: “Сен энди Хожа Алоуддин Аттор билан суҳбатдош бўласан”, - деган экан (Жомий, 258).

Чархийнинг вафот қилган йили 1447 йилдир (СВР. Т.1, № 2910:83). Демак, Чархий Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан сўнг, 58 йил яшаган. Агар Чархий Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашган пайтида тахминан 22 ёшда бўлган деб ҳисобласак, ун 80 йил умр кўрган бўлади. Демак, Чархий 1366-1367 йиллар атрофида туғилган деб мантиқий хулоса чиқариш мумкин.

Чархийнинг вафот қилган йили ҳар хил манбаларда турлича баён қилинган. СВРда эса 851/1447 йил вафот қилгани ҳақида ёзилади. Унда кўрсатилишича, Ръё Чархийнинг вафотини 831-834 йил деб кўрсатади (Ръё. Т.3, № 1078, 1184., 1957:83).

Шоҳрух Мирзо давридаги маънавий муҳитда катта ўрин тутган шахслардан яна бири – Мир Саид Шариф Ҳиравий эди. Темурийлар сулоласи ҳукмронлигида, айниқса, Шоҳрух Мирзо даврида, Ҳирот шаҳри фақат сиёсий марказ эмас, балки илм-фан ва тасаввуф ҳаётининг узвий марказига айланди. Мазкур даврда яшаб ижод қилган Мир Саид Шариф Ҳиравий сўфий-мутасаввиф сифатида маънавий муҳитда алоҳида ўрин тутади.

Унинг номи “Ҳиравий” нисбаси билан боғланган бўлиб, бу унинг Ҳирот шаҳрига алоқадор маънавий шахс эканини билдиради. Тарихий манбаларда унга доир маълумотлар кам учрайди, лекин Шоҳрух Мирзо даврида фаолият кўрсатган суфий шайхлар, хусусан Нақшбандия ва Кубравия йўналишларига мансуб шайхлар қаторида зикр қилинади. Мир Саид Шариф Ҳиравий ҳам ана шундай муҳитда тарбия топган ва илмий-иршодий фаолият олиб борган сўфийлардан бири сифатида таърифланади (Валихўжаев Б., 2002:131).

Шоҳрух Мирзо даврида суфийлик илми ва маънавий риёзат кенг қўллаб-қувватланган ва бу жараёнда давлат томонидан хонақоҳлар, мадрасалар ва кутубхоналар қурилиши муҳим бўлган (Ғафуров И., 2014:112). Ҳиротдаги мазкур илмий ва маънавий муҳитда Мир Саид Шариф Ҳиравий ҳам ўзининг илмий-назарий фикрлари, иршодий фаолияти билан иштирок этган.

Мир Саид Шариф Ҳиравийнинг илмий-назарий қарашлари асосан нафсни жиловлаш, қалбни поклаш, зикрда ихлос ва шукр ва таваккул каби асосий тасаввуфий тамойилларга боғланган. Бу тамойиллар Шоҳрух Мирзо ҳукмронлигидаги маънавий сиёсат билан уйғун ҳолда фаолият олиб бориш имконини берган. Уни Ҳирот тасаввуф мактабининг сукут ва фано асосидаги руҳий камолот моделини шакллантирувчи муҳим шайхлардан бири сифатида баҳолаш мумкин (Салохиддинов А., 2021:119-121).

XV асрнинг биринчи ярмида Ҳирот шаҳри бутун Ислом оламидаги энг нуфузли маънавий ва илмий марказлардан бирига айланган эди. Бу жараённинг асосий сабабчиларидан бири Шоҳрух Мирзонинг тасаввуф ва илм аҳлига нисбатан тутган бағрикенг ва ҳимоячи муносабати бўлди. Унинг даврида нафақат юксак даражадаги давлат бошқаруви, балки маънавий ҳаёт ҳам бир хил аҳамиятга эга бўлган.

Ҳиротда кўплаб тасаввуф марказлари, хонақоҳлар, мадрасалар ва кутубхоналар ташкил этилди, бу эса тасаввуфнинг тараққиётига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди (Ғафуров И., 2014:108-112).

Мир Саид Шариф Ҳиравий ана шу муҳитда фаолият юритган сўфий шайхлардан бири бўлиб, унинг маърифий ва иршодий фаолияти Шоҳрух Мирзо даврида алоҳида эътиборга сазовор бўлган. Манбаларда келтирилишича, Ҳиравийнинг фаолияти Ҳиротдаги илмий-маънавий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатган. Айрим тарихий ривоятларда унинг Шоҳрух Мирзо ҳузурига қабул қилингани, у билан суҳбатлар ўтказгани ва маънавий масалаларда маслаҳатлар бергани қайд этилади (Бузруков М., 2023:33-35).

Шоҳрух Мирзо тасаввуфни сиёсий ва ижтимоий тартибнинг бир бўлаги сифатида кўра олган ҳукмдор бўлиб, у суфий шайхларнинг аҳамиятини яхши тушунган. Шу боис Ҳиравий каби маънавий етакчилар давлат сиёсатида ҳам муайян таъсирга эга бўлган. Улар хонақоҳ ва мадраса бошқарувида қатнашишган, диний-маърифий ҳаётни тартибга солишда фаол иштирок этганлар.

Хожа Алоуддин Аттордан сўнг тариқат маснадига келган Яъқуб Чархий вафот этгач, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор нақшбандия тариқати маснадига ўтирган. Зарафшон воҳасида нақшбандия тариқатининг ривожланиши ва атроф ҳудудларга ёйилишида Хожа Аҳрор Валий асосий ўрин тутган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳаётининг илк қисми Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Шоҳрух маърифат ва тасаввуфга катта аҳамият берган ҳукмдор бўлиб, юртида суфий шайхлар учун эркин ва ҳурматли муҳит яратган. Шунинг учун ҳам, Хожа Аҳрор жамиятда эркин фаолият олиб бориши ва тасаввуф мактабини ривожлантириши учун қулай замин бўлган.

Тарихий манбаларда Шоҳрух Мирзонинг Хожа Аҳрорни ҳурмат билан қабул қилгани, у билан маслаҳатлашиб тургани ва фаолиятини қўллаб-қувватлагани таъкидланади. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” манбасида Хожа Аҳрорнинг Ҳиротдаги шогирдлари орқали Шоҳрух муҳитида маънавий таъсирга эга бўлгани қайд этилади. Ҳатто, баъзи ривоятларда, Шоҳрухнинг ундан маслаҳат сўрагани баён қилинади (Али Сафий, Қўлёзма № 10070: 30а-30 б).

Унинг кўплаб хонақоҳ, мадраса ва кутубхоналар қуриш фаолияти Шоҳрух Мирзо сиёсатидаги маънавиятни давлат қурилиши билан уйғунлаштириш йўналишига мос келади. Балх, Ҳирот, Самарқанддаги иршодий фаолияти орқали Аҳрор фақат бир шайх эмас, балки давлат сиёсатига маънавий куч сифатида таъсир этган зот бўлган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг тасаввуф таълимоти ва Шоҳрух Мирзо билан муносабатлари ўз даврида нафақат маънавий юксалишга, балки ижтимоий ва сиёсий мувозанатга ҳам хизмат қилган. Унинг таълимотидаги тасаввуфдаги аҳвол ва мақомлар назарияси, зикр усуллари ва ижтимоий масъулият ғоялари ҳануз тасаввуф тарихи учун илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

XV асрнинг маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг фаолияти Темурийлар сулоласи, хусусан, Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида кенг йўлга қўйилган. Шоҳрухнинг тасаввуфга бўлган муносабати, унинг сиёсий дастурида диний ва маънавий муҳитни мустаҳкамлаш асосий мақсадлардан бири бўлганини кўрсатади. Бу эса Хожа Аҳрор каби суфийларнинг давлат сиёсатида ўз ўрнини топишига замин яратди.

Шоҳрух Мирзо тасаввуф аҳлига нисбатан нафақат тоқатли, балки фойдаланувчи сиёсат юритган ҳукмдор эди. У иршодий мактабларни, хонақоҳ ва мадрасаларни қўллаб-қувватлаган, уларнинг раҳбарлари билан шахсан суҳбатлар ўтказган. Манбаларда келтирилишича, Хожа Аҳрорнинг шайх сифатида танилиши ва обрўсининг ортган даври айнан Шоҳрух ҳукмронлигининг охирига тўғри келади. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” китобида Аҳрорнинг Ҳиротдаги зиёли муҳит ва сиёсий элита билан алоқаси қайд этилади, бу алоқалар орқали у ўз таълимотини кенг тарқата олганини кўрсатади (Али Сафий, Қўлёзма № 823272:30а-30б).

Шоҳрухнинг Балх ва Ҳиротда қурдирган диний муассасаларида Хожа Аҳрор ўз муридлари билан иршодий ва маърифий ишлар олиб борган. Аҳрорнинг айнан Шоҳрух фармони билан Балхдаги хонақоҳга муршид сифатида юборилгани ривоят қилинади. Бу унинг сиёсий доиралардаги нуфузини, шу билан бирга Шоҳрухнинг унга нисбатан ишончини кўрсатади (Каттаев К., 2016:214-215).

Бу муносабатни жуда чиройли тарзда Алишер Навоий ҳам унинг жамиятдаги дунёвий ва руҳий етакчилик ролини эътироф этган ҳолда: “Хожа Аҳрор валий зот эрурларким, султонлар кўнглида ором, авомлар дилда умид эрдилар” деб ёзади (Алишер Навоий, 2000:67).

Хожа Аҳрорнинг “фақирлик билан давлат бошқарилмас, маърифат билан давлатни адолатли қилиб бўлади” деган таълимоти Шоҳрух муҳитида қабул қилинган ғоялардан бирига айланган. Бу ҳақда Ботурхон Валихўжаев таъкидлайди: “Аҳрор

давлатчи эмас, маърифатчи давлатшунос эди” (Валихўжаев Б., 2002:159).

Хожа Аҳрор фақат иршодий устоз эмас, балки сиёсий-ижтимоий маслаҳатчи сифатида ҳам танилган. Шоҳрух Мирзо даврида бўлган сиёсий низолар, маҳаллий зўравонликларни бартараф этишда, айрим манбаларда, унинг суҳбатлари ва маслаҳатлари муҳим ўрин тутгани қайд этилади. Унинг сўзлари шахсий манфаатдан устун турган, яъни ислоҳий руҳда бўлган. Суфийликни жамиятда фаол маънавий кучга айлантириш унинг мақсадларидан бири бўлган.

ХУЛОСА

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлигидаги диний-маърифий эркинлик ва илм-фанга ҳомийлик муҳитида суфийлар ўз фаолиятларини эркин олиб борганлар ва жамиятда маънавий тарбиячи, муршид сифатида катта обрў қозонганлар. Бу ҳолат Нақшбандия тариқатининг Хуросон ва Мовароуннаҳрда янада кенгайишига замин яратган.

Шоҳруҳ Мирзо даврида фаолият юритган суфий уламолар тасаввуф анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшганлар. Шоҳруҳ Мирзо давридаги тасаввуф ва маърифий муҳитнинг муҳим вакиллари Нақшбандия тариқатининг юксалишига ва маънавий қадриятларнинг кенгайишига муносиб ҳисса қўшганлар. Уларнинг фаолияти, асосан, суфийликнинг амалиётга йўналтирилган руҳий ва маънавий покликка даъват этиш тамойиллари билан характерланади.

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида давлатнинг илм-фан ва тасаввуфга бўлган ҳомийлиги уларга бу таълимотнинг кенг тарқалиши, шогирдлар тайёрлаш ва маънавий муҳитни бойитиш имкониятини берган. Бу даврда тасаввуф ва илм бир-бирини тўлдирувчи, жамият маънавий ҳаётини юксалтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланган.

Мирзо Шоҳрух даврида давлат томонидан илм–фанга эътибор берилганидан адабиёт ва тарихнавислик йўналиши ривожланди. Бу даврда тарихий асарлардан ташқари тасаввуф таълимотини очиқлайдиган рисолалар ва мутасаввифлар фаолияти ҳақида маълумот берувчи маноқиблар ҳам ёзилдики, бундай манбалар бизга ўша давр маънавий ҳаёти тарихидан хабар беради.

Бундай қимматли асарлар сирасига Мавлоно Яъқуб Чархий (1359-1447) қаламига мансуб “Рисолаи унсия” (“Дўстлик ҳақида рисола”) номли рисола, Хожа Муҳаммад Порсо (1349–1420) ёзган “Рисолаи қудсия” ва “Мақомоти шайх Алоуддин Аттор” асарлари, Порсонинг замондоши Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг (XIV аср охири – XV аср бошлари) “Анис ат-толибин” (“Толибларнинг суҳбатдоши”) каби асарларни киритиш мумкин. Уларда нафақат тасаввуф ва нақшбандия тарихига оид, балки Мовароуннаҳрдаги XIV аср охири – XV аср бошларидаги сиёсий жараёнлар тарихига оид маълумотлар ҳам сақланган.

Таҳлилимиздан кўринадики, халқимизнинг маданий ва маърифий камолотга эришувида катта аҳамият касб этган тасаввуф таълимотини, хусусан, Нақшбандия таълимоти ва тарихига доир манбаларни ўрганиш борасида қатор илмий ишлар эълон қилинган.

Зеро, узоқ мозийдан бошлаб мутафаккир олимлар томонидан яратилган ва бизгача етиб келган ёзма мерос ҳозирги тадқиқотлар учун муҳим илмий маълумотларни ўз ичига олади. Шу жумладан, тасаввуф таълимоти, Марказий Осиёда фаолият юритган тариқатлар тарихи бўйича ёзилган манба ва адабиётлар олимларимиз диққат марказида бўлиб келган. Айниқса, Нақшбандия тариқатига қизиқиш катта бўлган. Боиси – бу тариқатнинг вужудга келиши ва тасаввуф тариқатлари орасида ўз ўрнига эга бўлиши ягона бир шахснинггина эмас, балки ушбу тариқатнинг яхлит, шаклланган етук таълимот даражасига етказган қатор шахсларнинг фаолияти ва асарлари билан боғлиқдир.

Бунда биринчи навбатда Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари (ўринбосарлари), унинг муридлари фаолияти ва улар томонидан ёзилган асарлар муҳим аҳамият касб этади. Шундай асарлар орқали нақшбандия тариқатининг асосий қоидалари ва тартиблари кейинги аср суфийларига етиб борган.

Нақшбандия шайхлари асрлар давомида ўзларининг амалий турмуш тарзи ва насиҳатларида мазкур таълимотни тарғиб қилиб, унинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келдилар. Айнан шунинг учун ҳам бу таълимот Ислом оламида яшовчи халқларнинг маънавиятига катта таъсир кўрсатибгина қолмай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига кенг тарқалди.

Ҳозирги кунда бу тариқат вакиллари дунёнинг ҳар бир мамлакатида фаолият олиб бормоқдалар. “Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот асосидаги меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, илм-маърифатга интилиш ва бутун борлиққа муҳаббат ғояси ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлиб, комил инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда” (Баҳоуддин Нақшбанд, 2019:20).

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Али ибн Аҳмад ал-Ғурий. Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод: Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ, инв. №2393. 464 ҳ.й. 386 варақ.
2. Аҳмедов Б.А. (1996). Амир Темурни ёд этиб. – Т. : Ўзбекистон.
3. Бабаджанов Б. (1996). Политическая деятельность шайхов Накшбандия в Мавараннахре (I пол. XVI в.) : дисс. ... канд. ист. наук. – Т. : ИВ АН РУз.
4. Баратов М., Усмон О. (1995). Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т. : Ўзбекистон.
5. Бўриев О., Ҳасанов М. (2001). Хожа Муҳаммад Порсо // Маънавият юлдузлари. – Тошкент. – Б. 200 - 204.
6. Нуриддинов Ж. (2018). Авроди Нақшбандия [Матн] – Тошкент : “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 28-б.
7. Зиё А. (2000). Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т. : Шарқ.
8. Ибн Арабшоҳ. (1992). Амир Темур тарихи. – Т. : Меҳнат.
9. Исмоилов М. (2019). Хожа Муҳаммад Порсонинг Шарқшунослик институтида сақланаётган асарлари /Имом Бухорий сабоқлари. – №3. – Б. 33-34.
10. Ишмуҳамедова М. (2001). Девони ҳикмат қўлёзмалари : дисс. ... филол. фан. номзод. – Т. : ЎзР ФА Қўлёзмалар институти.
11. Каримов Э.Э. (1996). Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV в.в. : дисс. ... док. ист. наук. – Т. : Институт истории АН РУз.
12. Комилов Н. (1996). Тасаввуф. – Т. : Ёзувчи.
13. Қуръони Карим маънолари таржимаси / Тарж. Мансур А. – Т. : ТИУ, 2001. – 624 б.
14. Мўминов И. (1968). Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т. : Фан.
15. Муҳаммад Порсо ал-Бухарий. (2001). Трактат о святости. Перевод и предисловие Ю. А. Иоаннесяна / Мудрость суфиев. СПб. :Азбука; Петербургское Востоковедение, 271-372 с.
16. Муҳаммад Порсо. (1996). Рисолаи Қудсия (Таржима) // Г.Наврўзова “Рисолаи Қудсия” – Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига оид манба. Шарқшунослик. – Тошкент : Минҳож, №7. Б. 119 - 122.
17. Муҳаммад Порсо. Фаслул-хитоб. ЎзР ФА ШИ, инв. №1466.
18. Муҳаммаджонов А. (1996). Темур ва темурийлар салтанати. – Т. : Қомуслар бош таҳририяти.
19. Наврўзова Г.Н. (2021). Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т. : Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти давлат корхонаси. – 244 б.
20. Неъматова Ж. (2001). Яссавийлик ва унинг ижтимоий-фалсафий фикр ривожидаги ўрни : дисс. ... фал. фан. номзод. – Т. : ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти.
21. Нирша В. (1990). Мировоззрение и суфийские концепции Абу Хафса Умара Шихабуддина Сухраварди : дисс.... канд. филос. наук. – Т. : Институт философии и права АН РУз.
22. Тримингэм Дж. С. (1989). Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф.Акимушкина. – М. : Наука.
23. Фахруддин Али Сафий. (2003). Рашаҳот ъан айн ал-ҳаёт. – Т. 1913– Б. 85.
24. Хидирова Н. Хожа Муҳаммад Порсо илмий мероси : дисс. ... тарих. фан. номзод. – Т. : 2004 : ЎзР ФА Тарих институти.
25. Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Порсои Бухороий. (1354). Қудсия (Каломоти Баҳоуддин Нақшбанд. Бо муқаддима, тасбеҳ ва таълиқ аз Муҳаммад Тоҳири Ироқий). – Теҳрон.
26. Хожа Муҳаммад Порсо. ал-Ҳадис ал-арбаъун – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №8825/IV.
27. Хожа Муҳаммад Порсо. Тафсири Қуръон. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2180. – 237 в.
28. Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. – Т. : Ғ.Орифжонов матбаси (санаси кўрсатилмаган).
29. Шайх Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. Қўлёзма. Россия ФА ШИ, Санкт-Петербург филиали, инв № 3464. В 3829. $75^{б}$-$89^{а}$ варақлар.
30. Шайх Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд. Авроди Баҳоия. Қўлёзма. Россия ФА ШИ, Санкт-Петербург филиали, инв. №3465. А 1539. 25б – 44а варақлар.
31. De Weese D. (1988). The Elipce of the Kubraviyah in Central Asia // Iranica Stadies. – vol. XXI. – № 1-2. – p. 45-84.
32. Evrad-I Bahaiyye. (1991). Турк ва араб тилларида. https://www.kerimusta. com/evrad-i-bahaiyye. Koprulu Fuad. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. – Ankara.

REFERENCES

1. Ali ibn Ahmad al-G’uriy. Kanz al-ibod fi sharh al-Avrod / qo’lyozma. O’zR FA ShI, inv. №2393. 464 h.y. 386 varaq.
2. Ahmedov B.A. (1996). Amir Temurni yod etib. – T. : O’zbekiston.
3. Babadjanov B. (1996). Politicheskaya deyatelnost shayxov Nakshbandiya v Mavarannaxre (I pol. XVI v.): diss. ... kand. ist. nauk. – T. : IV AN RUz.
4. Baratov M., Usmon O. (1995). O’rta Osiyoda tasavvuf oqimlari // O’zbekistonda ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixidan. – T. : O’zbekiston.
5. Bo’riev O., Hasanov M. (2001). Xoja Muhammad Porso // Ma’naviyat yulduzlari. – Toshkent. – B. 200 -204.
6. J.Nuriddinov. (2018). Avrodi Naqshbandiya [Matn] – Toshkent : “O’zbekiston xalqaro islom akademiyasi” nashriyot-matbaa birlashmasi. 28-b.
7. Ziyo A. (2000). O’zbek davlatchiligi tarixi. – T. : Sharq.
8. Ibn Arabshoh. (1992). Amir Temur tarixi. – T. : Mehnat.
9. Ismoilov M. (2019). Xoja Muhammad Porsoning Sharqshunoslik institutida saqlanayotgan asarlari / Imom Buxoriy saboqlari. – №3. – B. 33-34.

10. Ishmuhamedova M. (2001). Devoni hikmat qo'lyozmalari: diss. ... filol. fan. nomzod. – T. : O'zR FA Qo'lyozmalar instituti.
11. Karimov E.E. (1996). Sufiyskie tarikatы v Sentralьnoy Azii XII-XV v.v. : dis. ... dok. ist. nauk. – T. : Institut istorii AN RUz.
12. Komilov N. (1996). Tasavvuf. – T. : Yozuvchi.
13. Qur'oni Karim ma'nolari tarjimasi / Tarj. Mansur A. – T. : TIU, 2001. – 624 b.
14. Mo'minov I. (1968). Amir Temurning O'rta Osiyo tarixida tutgan o'rni va roli. – T. : Fan.
15. Muhammad Porso al-Buxariy. (2001). Traktat o svyatosti. Perevod i predislovie Yu.A.Ioannesyana / Mudrost sufiev. SPb. : Azbuka, Peterburgskoe Vostokovedenie, 271-372 s.
16. Muhammad Porso. (1996). Risolai Qudsiya (Tarjima) // G. Navro'zova "Risolai Qudsiya" – Bahouddin Naqshband ta'limotiga oid manba. Sharqshunoslik. – Toshkent : Minhoj, № 7. B. 119 – 122.
17. Muhammad Porso. Faslul-xitob. O'zR FA ShI, inv. № 1466.
18. Muhammadjonov A. (1996). Temur va temuriylar saltanati. – T. : Qomuslar bosh tahririyati.
19. Navro'zova G.N. (2021). Xoja Bahouddin Naqshband hayoti va ma'naviy merosi. – T. : O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashriyoti davlat korxonasi. – 244 b.
20. Ne'matova J. (2001). Yassaviylik va uning ijtimoiy-falsafiy fikr rivojidagi o'rni: Diss. ... fal. fan. nomzod. – T. : O'zR FA Falsafa va huquq instituti.
21. Nirsha V. (1990). Mirovozzrenie i sufiyskie kontseptsii Abu Xafsa Umara Shixabuddina Suxravardi : diss.... kand. filos. nauk. – T. : Institut filosofii i prava AN RUz.
22. Trimingem Dj. S. (1989). Sufiyskie ordenы v islame / Perevod s angl. A.A.Staviskoy, pod red. i predisl. O.F.Akimushkina. – M. : Nauka.
23. Faxruddin Ali Safiy. (2003). Rashahot 'an ayn al-hayot. – T. 1913 – B. 85.
24. Xidirova N. Xoja Muhammad Porso ilmiy merosi : diss. ... tarix. fan. nomzod. – T.: 2004: O'zR FA Tarix instituti.
25. Xoja Muhammad ibn Muhammad Porsoi Buxoroiy. (1354). Qudsiya (Kalomoti Bahouddin Naqshband. Bo muqaddima, tasbeh va ta'liq az Muhammad Tohiri Iroqiy). – Tehron.
26. Xoja Muhammad Porso. al-Hadis al-arba'un – O'zR FA ShI qo'lyozmasi, №8825/IV.
27. Xoja Muhammad Porso. Tafsiri Qur'on. – O'zR FA ShI qo'lyozmasi, №2180. – 237 v.
28. Xoja Muhammad Porso. Fasl ul-xitob. – T.: G'.Orifjonov matbasi (sanasi ko'rsatilmagan).
29. Shayx Muhammad Bahouddin Naqshband. Avrod. Qo'lyozma. Rossiya FA ShI, Sankt-Peterburg filiali, inv №3464. V 3829. 75b-89a varaqlar.
30. Shayx Muhammad Bahouddin Naqshband. Avrodi Bahoiya. Qo'lyozma. Rossiya FA ShI, Sankt-Peterburg filiali, inv. №3465. A 1539. 25b-44a varaqlar.
31. De Weese D. (1988). The Elipce of the Kubraviyah in Central Asia // Iranica Stadies. – vol. XXI. – № 1-2. – p. 45-84.
32. Evrad-I Bahaiyye. (1991). Turk va arab tillarida. https://www.kerimusta. com/evrad-i-bahaiyye. Koprulu Fuad. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. – Ankara.